

ДИНШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ В ПРЕПОДАВАНИИ РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ

THE USE OF MODERN METHODS IN TEACHING RELIGIOUS STUDIES

MAHFUZA ALIMOVA

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZ-
BEKISTAN,

doctor of philosophy (PhD),

docent of the department religious study and the
comparative study of world religions UNESCO.

mahfuzaalimova@iiu.uz

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2022/1/7

Аннотация. Мақола динишуносликка оид мавзуларни ўзлаштиришда таълим олувчиларда таҳлилий ва танқидий, мустақил фикрлашга ундайдиган замонавий методлардан фойдаланишни усуллари ўрганишга бағишланган. Мақолада олий таълимда халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиши, олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиши ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш бўйича амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар ёритилган.

Таълим жараёнида маъруза, семинар, машғулотларини ташкил этишдаги замонавий ёндашувлар, динишуносликка оид мавзулардаги маърузаларнинг самарасини ошириш, маълумотларни қийслашда диаграммалар, схема, жадвал, график каби кўргазмалар қурооллардан фойдаланиш, “Ақлий ҳужум”, “Концептуал жадвал”, “Блиц-ўйин”, “Мунозара” каби услубларни қўллаш механизмлари кўрсатилган. **Динлар билан боғлиқ** бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келишга қаратилган методларни оғзаки шаклини қўллаш усуллари ёритилган.

Мазкур услубларда таълим берувчи томонидан берилган саволларга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдириши, таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этишлари билан боғлиқ қоидалар акс этган. Методлар тўғри ва ижобий

қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади, таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, уларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади.

Шунингдек, мақолада шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини иноватга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим усули экани, унда ўқитиш муҳитининг талаба имкониятларига мослаштирилишини назарда тутиши очиб берилган. Замон талабларига кўра ташкил этилган таълим муҳити, педагогик шарт-шароитлар, таълим ҳамда тарбия жараёни талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитиши ёритилган.

Калит сўзлар. Таълим, восита, метод, динишунослик, “Ақлий ҳужум”, “Концептуал жадвал”, “Блиц-ўйин”, “Мунозара”, маъруза.

Аннотация. Статья посвящена изучению использования современных методов, побуждающих учащихся самостоятельно мыслить аналитически и критически при изучении религиозной тематики. В статье освещены вопросы подготовки в системе высшего образования на основе международных стандартов высококвалифицированных, творчески мыслящих, самостоятельно принимающих решения кадров, а также создания необходимых условий для проявления их интеллектуальных способностей и формирования духовно зрелой личности, поэтапного перехода учебных программ к кредитно-модульной системе образования.

Научные и социальные процессы требуют соблюдения историчности и логики в анализе духовной жизни. В статье анализируются меры, принимаемые для кардинального повышения качества преподавания в образовательных учреждениях республики Узбекистан за счет широкого внедрения в учебный процесс новых информационно-коммуникационных и педагогических технологий, электронных учебников, мультимедийных средств.

Рассматриваются современные подходы к организации лекций, семинаров, эффективность лекций по религиоведению, использование наглядных пособий, таких как схемы, таблицы, графики, а также механизм использования таких методов как «Мозговой штурм», «Концептуальная таблица», «Блиц-игра», «Дискуссия» и др.

Описаны методы применения устной формы общения, направленные на достижение с их помощью определенного решения на основе учета и анализа мнений, высказанных учащимися по вопросам, связанным с религией.

Эти методы отражают правила устного выражения каждым учащимся своего мнения на вопросы, заданные учителем, и четкого, лаконичного изложения своих ответов. При правильном использовании данной

методику учащиеся овладевают навыками и умениями мыслить свободно, творчески и нестандартно, преподаватели получают возможность вовлечь всех обучающихся для формирования культуры общения и дискуссии. В статье также раскрывается, что личностно-ориентированное обучение – это метод обучения, направленный на развитие личности, способностей учащегося с учетом стратегий мышления и действий. Образовательная среда, педагогические условия, процесс обучения и воспитания, организованные в соответствии с современными требованиями, предусматривают реализацию личностного потенциала учащегося, развитие способностей, обеспечивающих личностное развитие, обогащение мышления и мировоззрения.

Ключевые слова. Обучение, инструменты, методы, религия, «Мозговой штурм», «Концептуальная таблица», «Блиц-игра», «Дискуссия», лекция.

Abstract. The article is devoted to studying the use of modern methods that encourage students to think analytically and critically when studying religious subjects. The article describes the training of highly skilled, creative, autonomous decision-makers in higher education system based on international standards, the creation of the necessary conditions for the formation of a spiritually mature personality. Scientific and social processes require historical and logical analysis of spiritual life. The article analyses the measures to improve the quality of teaching in Uzbek educational establishments through the extensive introduction to the teaching process of new information and communication technologies, teaching aids and electronic textbooks, and multimedia.

It illustrates modern approaches to the organization of lectures, and seminars, the effectiveness of sessions on religious studies, the use of visual aids such as diagrams, tables, and graphics, as well as a mechanism of using such methods as brainstorming, conceptual table, blitz-game, discussion, etc.

Moreover, it describes how to collect free thoughts and opinions from students on a problem related to religion and oral approaches to achieve a solution. These methods reflect the rules for each student to express his opinion orally to the questions posed by the teacher and explain his answers clearly and succinctly.

With the correct use of the method, the individual learns to think freely, creatively, and unconventionally. The teacher has the opportunity to involve all learners and form a culture of communication and discussion.

The article also reveals that personalized learning is a method of learning aimed at developing a student's personality, and abilities, taking into account strategies of thought and action. The educational environment, pedagogical conditions, and the process of teaching and education organized considering provide for the realization of the personal potential of the students, the development of abilities ensuring personal development, thinking, and worldview.

Keywords: teaching, tools, methods, religion, brainstorming, conceptual table, blitz-game, discussion, lecture.

КИРИШ

Бугунги кунда республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва таълим самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. 2020 йил 23 сентябрь куни “Таълим тўғрисида”**ги** қонунни қабул қилиниши Ватан равнақи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни вояга етказишда катта ҳуқуқий асос яратди. Энг муҳими, янгича фикрлайдиган ёшларнинг ҳаракат ва интилишлари учун муҳим қадам ташланди.

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали республикамих таълим муассасаларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни тобора ортиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, олинган маълумотлардан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат. Бугунги кунда аниқ мақсадли ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга, уларнинг онги, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга, шу билан бирга, таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараёнларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий ўқув юртининг, айниқса, диний ва дунёвий фанлар ўқитиладиган таълим муассасасининг талабаси кенг доирадаги диншунослик билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилишни ўрганиши зарур. Бунинг учун эса диншунослик фанларни чуқур билиш талаб қилинади. Диншунослик динларни тарихийлик, холислик асосида турли халқлар ҳаётида тутган ўрнини илмий жиҳатдан, маънавий ҳаётнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб ўрганади. Маънавиятимизнинг ажралмас бир қисми бўлган бу соҳани ўрганиш учун тўғри метод танлаш муҳим аҳамиятга эга (Alimova Makhfuza, 2019:12).

Ўзбекистоннинг динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, маърифий

исломни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари жаҳонда кенг эътироф этилмоқда. Турли дин вакиллари ўртасида мулоқот ўрнатиш, динларни холис илмий ўрганиш бўйича ҳам юртимизда кўп ишлар амалга оширилмоқда. (Мухамедов Н., 2014:54) Бу борада дин, унинг моҳияти ва мазмуни, турли кўринишлари, тарихий ривожланиши ва ҳозирги ҳолати билан талабаларни таништиришда, уларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш ҳамда диний кадриятларга онгли муносабатини шакллантиришда диншунослик фани муҳим аҳамиятга эга.

УСЛУБЛАР

Тажриба шуни кўрсатадики, талабага ишончли далиллар, чуқур таҳлил кўпроқ таъсир қилади. Бошқа соҳалар сингари диншунослик фанлари ҳам ишончли далиллар, маълумотлар, назарий ва амалий хулосаларга таянади. Психологларнинг кузатишларича билиш, ўрганиш жараёни фикрлар карама-қаршилиги асосига қурилса, самарали бўлади. Илмий мунозара талабалар учун ижодий муҳит яратади.

Динлар тарихи, таълимоти, анъана ва мароисмларига бағишланган маърузаларда мунозарали саволларни қўйиш, турли нуқтаи назарларни баён қилиш мақсадга мувофиқ (Худойберганава Г., 2019/1). Маърузачининг ўзи маълум бир нуқтаи назарни қўллаб-қувватлар экан, талабаларга ҳам ана шу қараш тўғрилигини тушунтириши, аудиторияни ишонтириши керак.

Маърузанинг илмийлиги материални баён қилишнинг изчиллиги, саволларни аниқ, тушунарли қўйилишини кўзда тутати. Илмий-ижтимоий жараёнлар, маънавий ҳаётни таҳлил қилишда тарихийлик ва мантиқийликка амал қилишни талаб этади. Бунда келтириладиган маълумотлар талабаларда фанни ўрганишга қизиқиш, иштиёқ уйғотиши керак. Матнни шундай тузиш керакки, талабада фанни чуқур ўрганиш учун мустақил равишда уларни устида ишлаш, тушунишга хоҳиш-истак туғилиши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун зарур адабиётлар топиш, бирламчи манбалар, архив ҳужжатлари, материаллар, китоблар, журнал ва бошқаларни танлаш принципиал аҳамиятга эга.

Одатда маърузанинг ижтимоий-сиёсий йўналиши унинг илмийлиги билан боғлиқ. Маърузачи реал ҳаётнинг объектив таҳлилига, ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуниятларига, ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ва маънавий-маърифий ҳаётнинг омиллари ўртасидаги ички боғланишларни аниқлашга, таҳлил қилишга асосланиши керак (Abdullaeva M., 2021).

Диншунослик бўйича ўқиладиган маърузада фактлар, реал маълумотларнинг ўз ўрни бор. Чунки улар ижтимоий жараён, муаммоларни моҳиятини очишга ёрдам беради. Лекин улардан маҳорат билан фойдаланишгина қутилган натижани беради. Бунинг учун диний манбалардан иқтибослар, фан доирасидаги замонавий ёндашувлар, тенденцияларни кўрсата оладиган далилларни қўллаш керак.

Маърузада негатив фактларни ҳам тўғри шарҳлаш, уларни қандай оқибатга олиб келиши, бартараф қилиш йўллари ҳақида тўхташ керак. Маърузачининг вазифаси негатив фактларни эълон қилиш эмас, балки уларни таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатишдир. Фактлар маърузага жонли мазмун, ҳаётийлик нафасини бахш этади, унинг аҳамияти бу жиҳатдан бебаҳодир.

Диншунослик мавзуларига оид маърузанинг самарасини оширишда маълумотлар қиёслашда диаграммалар, схема, жадвал, график каби кўргазмаларни қуролларнинг аҳамияти каттадир. Улар орқали ахборотни қабул қилиш, мавзунини чуқурроқ тушуниш, ўқув материални хотирада узоқ сақланишига ёрдам беради. Лекин кўргазмаларни қуролларга ҳаддан ташқари берилиб кетиш ҳам керак эмас, чунки аудитория билан мулоқот йўқолади ва натижада маърузанинг самараси пасаяди. Фақат машғулотнинг тегишли қисми учун муайян танлаб олинган, тайёрланган кўргазмаларни қуроллар сўзсиз маъруза самарасини оширади.

Таълим сифатини ошириш учун маъруза давомида иложи борида талабалар диққатига эътиборли бўлиш керак. Бунинг учун маърузанинг кириш ёки унинг асосий қисмида масаланинг моҳиятини очиб беришга қаратилган савол қўйиш мақсадга мувофиқ. Педагоглар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқитувчининг мавзунини баён қилишидан аввал ёки баён қилиш жараёнида савол қўйиши, уни баён қилиб бўлгач, қўйилган саволига қараганда тўлиқроқ, яхшироқ натижага олиб келар экан (Низомиддинов Н. Г.). Чунки илгари қўйилган савол талабани жавоб қандай бўлиши керак, деб ўйлантира бошлайди ва жавобни ўқитувчидан эшитишга диққатини қаратади. Шу билан бирга, маъруза бошланганидан 20 дақиқа вақт ўтгач, талабалар диққати сусаяди. Буни ҳисобга олиб, ҳар 15-20 дақиқада ёки ҳар бир узвий саволни баён қилишда турли методлардан фойдаланиш, талабалар диққатини жалб қиладиган саволлар ташлаш мақсадга мувофиқдир (Абдуллаева М. З., 2019).

Дунё динлари тарихини ўрганиш жараёнида “Христианлик” мавзусида маъруза машғулотини ташкил этишда савол ташлаш, хусусан, “Ақлий

хужум” методидан 2-3 марта фойдаланиш яхши самара беради. Зеро, динлар билан боғлиқ бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келишга қаратилган ушбу методни оғзаки шаклини қўллаш осон. Бунда таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади, таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, уларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Мазкур метод ёзма равишда қўлланилса, таълим олувчилар ўз фикрини ёзма баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади (Mukhamedov Nematullo & Turambetov Nurulloh, 2021:68).

УСЛУБЛАР

Диншуносликка оид мавзулардаги маъруза машғулотни жараёнида “Ақлий хужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб қуйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади. Масалан, “Христианлик тарихи ҳақида нималарни биласиз?”, “Исо Масих ким?”, “Етти сирли маросимга қандай амаллар қиради?” ва б.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади. “Христианликда католиклик ва православлик йўналишларига бўлинишнинг асосий сабаблари нимада?”, “Христианлик таълимотлари шаклланишида Умумжаҳон христиан соборларининг ўрни қандай?” ва б.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади. Масалан, “Христианликдаги “Ота-Худо, Ўғил-худо, Муқаддас Рух” тушунчаларининг мазмун-моҳияти нимада экан?”, “Мартин Лютер фаолияти қандай тарихий воқеаларга сабаб бўлибди?”, “Ўзбекистон ҳудудига христианлик қачон кириб келган экан?”

Маъруза жараёнида таълим берувчи “Ақлий хужум” методини қўллашдаги асосий қоидаларни унутмаслиги муҳим. Хусусан, билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмаслиги ва баҳоланмаслиги, билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олиниши, ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шартлиги. Бунинг натижасида жавобларнинг баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади; таълим олувчиларнинг барчасининг иштироки таъминланади; фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади; таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти юзага келади; таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғонади. **Мазкур қоидалар ўз навбатида**, таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олиш ва юқори даражада эшитиш қобилиятини талаб этади.

Таълим жараёнида семинар машғулотининг ҳам ўрни муҳим. Зеро, семинар ўқув жараёнининг талабалар билимларини мустаҳкамлашни таъминловчи, ижодий қобилиятларини намоён қилувчи шакли ҳисобланади. Семинар машғулотларининг мақсади талабаларнинг чуқур билим олишини таъминлаш, олган билимни амалда қўллашга ўргатишдан иборат. Машғулот натижасида талаба олган ахборотларини таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, таққослаш, хулоса чиқариш билим ва кўникмасига эга бўлади.

Х асрдан бошлаб Шарқда ўқув муассасаларида «имло» усулидан воз кечилди (Ernazarov O., 2018). Таълим жараёнида янги усулларнинг вужудга келиши, ўз навбатида, янги турдаги ўқув муассасаларининг пайдо бўлишига олиб келди (ISAKDJANOV R., 2019). Аввалги даврларда маълумотларни ёздириш, яъни, имло усули ўқитишнинг энг оммалашган кўриниши бўлса, Х асрдан бошлаб «мунозара» («тадрис», «шарҳ», «изоҳ») усули кенг тарқалди. Мунозара усули, биринчидан, талаба нутқини ўстирса, иккинчидан, масала моҳиятини чуқур идрок қилишга олиб келади, уларнинг малакасини оширади.

Дунё динларини ўрганиш жараёнида таҳлил қилинса, «Японияда синтоийлик динининг шаклланиши ва тарихий босқичлари»га бағишланган машғулотни мисол тариқасида олиш мумкин. Саволни муҳокама қилишда синтоийлик дини қадимги Японияда вужудга келгани, унинг номланиши «синто» (худолар йўли) сўзидан олингани, мазкур диннинг таълимотига кўра, микадо (император) - осмон руҳларининг давомчиси экани билан боғлиқ маълумотлар асосидаги савол-жавоб билан бошланади. Бундан ташқари ҳар бир япон кишиси ўзини иккинчи даражали руҳлар (ками)нинг

вориси сифатида билиши, улар камини аждодлар ва қаҳрамонларнинг руҳлари деб эътиқод қилиши ва художўй япон ўлганидан кейин ўзининг ҳам ўша камилардан бири бўлишига ишониши таъкидланади (Ra'no T. U., 2017; Ислотов З., Хайдаров И., 2017).

Жавоб берилаётганда синтоийлик билан боғлиқ барча маълумотларни мисоллар билан кўрсатиш керак. Сўзга чиққан талаба бу ҳақда тўхталмаса, ўқитувчи унга қўшимча саволлар билан мурожаат қилади. Саволни суҳбат ёки савол-жавоб усули билан муҳокама қилиш мумкин. Бунда талабалар диққатини аввалги муҳокама қилинган саволларга қаратиб, улар асосида хулоса чиқариш зарур. Саволлар:

1. Синтоизмда олий илоҳ тушунчаси мавжудми?

2. Синтоизмда умумий ҳаётий риоя қилиниши лозим бўлган қоидалардан бошқа диний урф-одатлар борми?

3. Синтоизм таълимоти ҳақидаги маълумотлар қайси манбаларда учрайди?

4. «Кодзика» ва «Нихонги» қандай маъноларни англатади?

ва бошқалар.

Саволни муҳокама қилиш жараёнида талабалар диққатини мазкур диннинг тарихи, таълимоти, муқаддас манбалари ва бугунги кундаги ҳолати билан боғлиқ масалаларга тортиш зарур. Ўқитувчининг саволи талабаларни фанни ўрганишда бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айнан саволлар, уларнинг моҳияти ва вазиятга кўра қўллаш, талабаларни таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириши мумкин

НАТИЖА

Диншуносликка оид мавзуларни ўзлаштиришда таълим олувчиларда таҳлилий ва танқидий, мустақил фикрлашга алоҳида урғу бериш муҳим. Зеро, бугунги глобаллашув шароитида юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний тус бериш, сохта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш ва аҳоли орасида носоғлом ақидани сингдириш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу борада олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимида ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва

уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Динлар тарихи, таълимоти, анъаналари, манбалари билан боғлиқ маълумотларни беришда концептуал жадвал услуби ҳам фойдали. Бу метод кластер, семантик хусусиятлар таҳлили каби кўргазмалилик орқали, маълумотларни қиёслаш, таққослаш, таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Мавзу ёки масала, маълумотнинг моҳияти, асосини ифодаловчи концептуал жадвалда вертикал бўйича, яъни устунларда таққосланадиган тушунча, ахборот, маълумотлар берилади. Горизонтал қаторда эса таққослаш амалга ошириладиган мавзуга оид маълумотларнинг турли хусусиятлари, характеристикаси берилади (Turdiyeva Dilafruz, 2020). Демак, жадвалнинг бир томони нимани таққосланиши, иккинчи томони, қандай таққосланишини кўрсатади. Асосийси, таққосланаётган фикрнинг қайси жиҳати таққосланаётгани аниқ кўриниб туриши керак.

МУҲОКАМА

Концептуал жадвал катта таҳлилий ахборотни зич, ихчам равишда жойлаштириш имконини беради. Бундай жадваллар, айниқса, дарсда бир томондан методик жиҳатдан кўргазмалиликни таъминласа, иккинчи жиҳатдан концептуал жадвал тизими бўйича берилган топшириқ орқали ўтилатган мавзу ёки саволнинг мазмунини ўрганиш амалга оширилади.

... га ёндашувлар, ... тушунчалари	Тавсифлар, тоифалар, ажралиб тура- диган белгилар ва шу кабилар			

Концептуал жадвал – ўрганилаётган мавзунинг ҳамдан мавжуд фикр-қарашларни икки ёки ундан ортиқ аспектлар бўйича қиёслаш имконини беради. Мазкур усул тизимли фикрлаш, маълумотларни системалаштириш кўникмасини ривожлантиради. Жадвалнинг вертикал каттақлигида қиёсланадиган назария ёки қарашлар, горизонтал бўйлаб тавсиф, хусусиятлар, ўзига хос жиҳатлари акс этади.

ТАҲЛИЛ

Шунинг учун ҳам бу методдан диншуносликни ўрганишда кенг фойдаланиш мумкин. Масалан, христианликдаги сирли маросимлар католик,

православ ва протестант жамоаларда қай тарзда амалга оширилишини ўрганишда, уларнинг бири-биридан фарқини қиёслаш орқали ўрганилади. (Исломов З., Хайдаров И., 2020) Бунда талабаларга 7 сирли маросимнинг номлари ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган жадвал тарқатилади ҳамда индивидуал ёки гуруҳларда у тўлдирилади. Натижада қуйидаги маълумотлар акс этган жадвал юзага келади:

Мавзу: Христианлик йўналишлари таълимотларида “Сирли маросимлар”га муносабат

№	Сирли маросимлар	Христиан конфессияларида амалга ошириш тартиби		
		католикда	православликда	протестантликда
1	Чўқинтириш (крещение)	3 бор сув сепиш ёки сув қуйиш	3 карра сувга тўлиқ ботириб олиш	12-14 ёшларида ўзи 3 бор сувга ботириб олинади
2	Тавба қилиш (покаяние, исповедь)	диндор ўз руҳонийсига гуноҳларини айтиб тавба қилганда руҳоний уларни Исо Масих номидан кечиради	диндор ўз руҳонийсига гуноҳларини айтиб тавба қилганда руҳоний уларни Исо Масих номидан кечиради	Тан олинмайди
3	Миро мойи суриш (конфирмация, миропомазание)	Факат епископ 7-12 ёшида ўтказиши	Чўқинтиришдан сўнг дарҳол амалга оширилади	Тан олинмайди
4	Никоҳ (брак)	диндорларнинг черков вакили олдида қасамёд қилиши уларга биргаликдаги ҳаёт, худо суйган фарзандларнинг туғилиши ва христиан тарбиясини олиш марҳаматини беради	диндорларнинг черков вакили олдида қасамёд қилиши уларга биргаликдаги ҳаёт, худо суйган фарзандларнинг туғилиши ва христиан тарбиясини олиш марҳаматини беради	Сирли маросим сифатида тан олинмайди

5	Покланиш (евхаристия, причастие)	Тузсиз кулча нон	Тузли, хамиртурушли Нон	Тузсиз, хамиртурушли нон
6	Рухонийлик (священство)	диндор муайян диний рутба олаётган вақтда епископ унинг елкасига қўл қўйган ҳолда унга диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқини узатади	диндор муайян диний рутба олаётган вақтда епископ унинг елкасига қўл қўйган ҳолда унга диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқини узатади	Тан олинмайди
7	Елей мойи суриш (елеосвящение)	руҳоний томонида елей мойи сурилганда диндорнинг тавба қилиб улгурмаган гуноҳлари кечирилади, вафот этаётган шахсни тинчлантиришга хизмат қилади	Рухоний томонида елей мойи сурилганда диндорнинг жисмоний ва руҳий-маънавий касалликлари тузалади, тавба қилиб улгурмаган гуноҳлари кечирилади.	Тан олинмайди

Бунда талабаларга жадвалнинг айрим кўрсаткичларини тўлалигича бермай, тўлдиришни топшириқ қилиб берилади ёки билдирилган фикрларни концептуал жадвал шаклида ифодалаш топширилади. Улардан намоёниш қилиш учун кўргазмаларни кураш сифатида ҳам фойдаланиш мумкин (Alidjanova L.A., 2019).

Таълим оловчиларни мантиқий мустақил фикрлашга, ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, диншуносликка оид муайян фан, берилган турли фикрлар орасидан энг кераклигини танлаб олишга, ўз фикрини ҳимоя қилишга, асослашга ўргатадиган яна бир қатор методлар мавжуд. Улардан бири «Блиц-ўйин» методи. Технологик жиҳатдан ўйин ўтказиш бир неча босқичга бўлинади. Берилган топшириқни аввал ҳар бир талаба ўзи бажаради. Сўнгра кичик-кичик гуруҳ ва бутун гуруҳ миқёсида биргаликда муҳокама қилиб, кўриб чиқилади. Бу жараёнда ҳар бир

талаба ўз фикрини ўтказишга, унинг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилади, шу билан бирга, бошқалар билан ҳамфикр бўлишига ёрдам беради. Бунинг учун ўқитувчи топшириқ мазмуни баён қилинган тарқатма материал тайёрлайди. Дарсда у талабаларга ўйин бир неча босқичда ўтказилиши, бунинг учун вақт берилишини маълум қилади. Бажариладиган вазифани тушунтиради.

Аввало, ҳар бир талаба материални синчиклаб ўрганиши ва вазифани якка тартибда бажариши лозим. Мазкур методни қўллаш жараёнида биринчи босқичда ҳар бир таълим олувчи тарқатма материалдаги жадвалда «якка баҳо» ёзилган устунга берилган ҳаракатлардан ўзининг шахсий фикри асосида мантикий кетма-кетликда рақамлар билан белгилаб чиқади. Улардан қайси бири биринчи, қайси бири иккинчи, қайси бири учинчи ва ҳоказо. Бу вазифани бажариш учун 10 дақиқа вақт берилади.

Кейинги босқичда биринчи вазифага ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи гуруҳдаги талабалар сонидан келиб чиқиб, 3-4 кишилик кичик гуруҳлар ташкил қилишни сўрайди. Кичик гуруҳлар ихтиёрий мезонлар асосида ташкил қилинади. Кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи белгилаган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан бошқаларни таништиради. Кичик гуруҳ аъзолари ўз фикрлари, яъни ўзлари белгилаганлари тўғрилигини асослашга ҳаракат қилишади. Муҳокама жараёнида бир фикрга келиб, жадвалдаги «гуруҳ баҳоси» устунини тўлдирилади, қалам билан рақамларни ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича қўйиб чиқилади. Бунинг учун ажратиладиган вақт вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ўқитувчи кичик гуруҳлар мунозарасида иштирок этмайди. Фақат уларнинг фаолиятини кузатади.

Учинчи босқичда эса барча кичик гуруҳлар «гуруҳ баҳоси» устунини тўлдириб бўлгач, ўқитувчи тарқатилган материалдан «тўғри жавоб» устунини топиш ва у айтган ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича рақамларни ёзиб чиқишни сўрайди. Тўртинчи босқичда «Тўғри жавоб» устунда берилган рақамлардан «якка баҳо» устунда берилган рақамларни (ёки аксинча), яъни каттадан кичикни айирган ҳолда фарқни «якка хато» устунига ёзиб чиқиш кераклигини айтади. Сўнгра, «якка баҳо» устундаги сонларни юқоридан пастга қараб, жамини ҳисоблаш кераклигини кўрсатади. Худди шундай тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ каттадан кичикни айириш орқали бажарилади. Фарқлар сони «гуруҳ хатоси» устунига ёзилади. Юқоридан пастга қараб қўшиб, жами ҳисобланади.

Охирги бешинчи босқичда ўқитувчи якка ва гуруҳ хатолари бўйича тушунча беради. Уларни

алоҳида, алоҳида шарҳлаб беради: агар якка хатолар 21 тагача бўлса (яъни ўртача бир саволга 2 тагача) улар ўрганилаётган масала бўйича етарли тушунчага эга, мустақил равишда берилган вазифани уудалай оладилар. Турли шароитда ҳаракатларни мантиқан тўғри бажара оладилар. Агар якка хатолар сони 21 тадан 30 тагача бўлса, уларнинг билимлари етарли эмас, бирон-бир иш, фаолиятни олиб боришга, ташкил этишга қийналадилар ёки пала-партиш бажарадилар. Шунинг учун улар билимларини мустаҳкамлашлари, ўқишлари, мантикий фикр юритишни ўрганишлари керак. Агар хатолар сони 30 тадан ортиқ бўлса, бундай талабалар ўз устиларида қаттиқ ишлашлари талаб қилинади.

«Гуруҳ хатоси» устунда агар хатолар сони 21 тагача бўлса, бу гуруҳларда талабалар бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилганлар. Бир-бирларини ишонтира олганлар. Оқибатда, бир хил натижага эришганлар. Демак, гуруҳда самимий муносабат ўрнатилган, фикрлар бир жойдан чиққан.

Агар гуруҳда хатолар сони 21 дан 30 тагача бўлса, бу гуруҳ аъзоларининг бир фикрга келишлари қийин бўлган. Муҳокама юзаки, бир-бирларини хафа қилиб қўймаслик учун шунчаки келишишган. Аслида ҳар ким ўз фикрида қолган бўлиши мумкин. Бу гуруҳда самимий муносабат ўз аксини топмаган.

Агар гуруҳ хатоси 30 дан ошса, бу гуруҳ аъзолари умуман бир-бирлари билан келиша олмаганлар. Бир-бирларини ўзаро ишонтира олмаганлар. Ҳар ким ўз фикрида қолган. Самимий муносабат ўрнатилмаган.

Бажарилган вазифанинг 55-70 фоизи тўғри бўлса, қониқарли, 71-85 фоизи тўғри бўлса, яхши, 86 фоиздан юқориси аъло баҳо қўйилиши мумкин.

Масалан, «Диншунослик» фанидан дин никобидаги таҳдидларга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари билан боғлиқ мавзусини «Мен – диншунос-экспертман» блиц-ўйини ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. Бунда ўқитувчи ақидапарастлик ғояларини илгари сурган оқимлар ва ташкилотларни вужудга келишини тарихий кетма-кетликда жойлаштиришни топшириқ қилиб беради (Мухамедов Н., 2014:56). Вазифани бажариш учун 5 дақиқа вақт айратилади. Блиц-ўйинни ўтказишни юқорида кўрсатилганидек, амалга оширилади. Бу нисбатан оддий топшириқ, лекин кейинги дарсларда бу фандан анча мураккаб топшириқлар тайёрлашга имконият бор.

Гу- рух баҳо- си	Гу- рух ха- тоси	Тўғ- ри жа- воб	Як- ка ха- то	Як- ка ба- ҳо	Ақидапараст оқимлар ва экстремистик ташкилотлар номи
5	0	5	1	3	Мусулмон биродарлар
9	0	9	1	8	Ироқ-Шом ислом давлати
1	0	1	1	2	Хорижийлар
6	1	4	1	4	Таблиғчилар жамоаси
7	1	8	1	9	Туркистон ислом ҳаракати
3	1	2	1	1	Қарматийлар
4	1	6	1	5	Хизбут-таҳрир ал-исломий
2	1	3	4	7	Қадарийлар
8	1	7	1	6	Ақромийлар

Демак, биргаликда ишлаганда хато камайган. Лекин тўғри жавоб бериш учун талабалар ўз устида ишлаши, ақидапараст оқимлар ва экстремистик ташкилотлар ҳақидаги билимларини оширишлари керак (Rahimjonov D., 2019).

Дунёвий ва диний фанлардан таълим беришда мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, шу билан бирга, таълим олувчиларни турли ахборот хуружлари, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, улар томонидан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш, Ватанимиз истиқболи йўлида бирлаштириш мақсадида таълим-тарбиянинг таъсирчан усуллари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда уларнинг қизиқишини эътиборга олиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида амамият бериш замон талабларидан саналади (Эрназаров О. К., 2014).

Диншунослик фанларини ўқитишда диний-маърифий соҳани янада такомиллаштириш, жамиятда «жаҳолатга қарши — маърифат» деган улуғвор ғоя асосида диннинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби фазилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади (Alimova Mahfuza, 2020).

Глобаллашув шароитида таълим шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча

имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади. Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, унда ўқитиш муҳитининг талаба имкониятларига мослаштирилишини назарда тутади. Унга кўра таълим муҳити, педагогик шарт-шароитлар, таълим ҳамда тарбия жараёнини тўлалигича талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитишни назарда тутади.

Бу турдаги таълим талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик каби сифатлар, шунингдек, мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга хизмат қилади. Бу турдаги таълимни ташкил этишда педагоглардан ҳар бир талаба имкон қадар индивидуал ёндашишни, унинг шахсини ҳурмат қилишни, унга ишонч билдириш тақозо этилади. Қолаверса, шахсга йўналтирилган таълим ўқитиш жараёнининг иштирокчилари педагог-талаба ёки талаба-талаба, талаба-талабалар гуруҳи, талаба-талабалар жамоаси тарзида ўзаро ҳамкорликда билим олиш, шахс сифатида камол топтириш учун қулай педагогик шароитни яратиш заруриятини ифодалайди (Диншуносликни ўқитиш методикаси, 2017).

ХУЛОСА

Педагог таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим турларидан фойдаланар экан, бир қатор шартларга қатъий риоя этиши керак. Жумладан, ҳар бир талабани алоҳида, ўзига хос шахс сифатида кўра олиши; талабани ҳурмат қилиши; талабанинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолай олиши; талабанинг хоҳиш-истак, қизиқишларини инобатга олиши; ҳар бир талабага толерант муносабатда бўлиши; талабанинг кучи, имконияти ва интилишларига ишонч билдириши; ҳар бир талаба учун қулай таълим муҳитини яратиши; талабаларнинг мустақил ёки кичик гуруҳларга эркин ишлашлари учун имконият яратиши лозим.

Шахсга йўналтирилган таълим талабанинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар томонлама ривожланиши, шахс сифатида камолотга етиши учун зарур шарт-шароитларни

яратишни назарда тутди. Бу турдаги таълим талабаларни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил билим олишга, ўзининг ички имкониятлари, қобилиятларини тўла намоён эта олиши, билиш фаоллигини ошириш учун зарур шароитни вужудга келтириши зарур. Диний таълимотлар билан боғлиқ мавзулар ўтишда талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув материални ўзлаштиришда мавзуларга оид материалга ижодий, танқидий ёндашишни, мустақил хулосаларни чиқариш ва асослаш, ўз фикрини химоя қилиш, муаммоли вазиятларда самарали ечимни топиш кўникма, малакаларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Диншунослик соҳасига оид мавзуларни тушунтиришда таълим берувчилар ўқув машғулотларида фақатгина ахборот бериб қолмасдан, ривожлантириш характерида эга бўлишларига эътиборни қаратишлари зарур. Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала, муаммо, ўрганилаётган мавзу юзасидан таълим олувчиларнинг мустақил фикр билдиришларига имкон бериш, уларни ўйлашга, фикрлашга ундаш шахсга йўналтирилган таълимга хос муҳим белгилардан бири саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. ISAKDJANOV, R. (2019 йил 3). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, p. 8.
2. Alimova, Makhfuza (2019) «ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4, Article 42. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/42>
3. Abdullaeva, M. (2021). Cyberjihad: expressions of terrorism on the internet. Вестник КазНУ, Серия Религиоведение, 27(3), 60-65. <https://bulletin-religious.kaznu.kz/index.php/relig/article/download/402/294>
4. Абдуллаева, М. З. (2019). АНАЛИЗ САМЫХ ПОСЕЩАЕМЫХ ИСЛАМСКИХ САЙТОВ УЗБЕКИСТАНА. Россия и мусульманский мир, (4), 49-54.
5. Xudoyberganova, G. (2019/1). GLOBALLASHUV SHAROITIDA ISLOM MA'RIFATINI SHAKLLANTIRISH MASALASI. GLOBALLASHUV SHAROITIDA VATANPARVARLIK TARBIYASINING MA'NAVYI-MA'RIFIY TEXNOLOGIYALARI (pp. 69-72). Tashkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
6. Ra'no, T. U. (2017). RELIGIOUS AND SOCIAL THOUGHTS OF THE PEOPLE OF ANCIENT INDIA, CENTRAL ASIA AND IRAN. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
7. Alimova, Mahfuza (2020) "THE CONTRIBUTION OF IMAM AD-DARIMI TO THE DEVELOPMENT OF HADITH SCIENCE," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/15>
8. Эрназаров, О. К. (2014). ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДИН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 55, pp. 40-45). Vedecko vydavatel'ske centrum Sociosfera-CZ sro.
9. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96> https://t.me/iqtboslar_UNESCO/20
10. Turdiyeva, Dilafruz (2020) "FROM HISTORY OF MALAYSIEN EDUCATION SYSTEM," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2, Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/20>
11. Низомиддинов, Н. Г. История тюркоязычной литературы Индии времен правления Бабуридов (XVI-XIII вв.).
12. Mukhamedov Nematullo & Turambetov Nurulloh (2021). The origins of religious tolerance in Central Asia. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68-73. Retrieved from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>
13. Ernazarov, O. (2018). The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty. The Light of Islam, 2018(1), 11.
14. ISAKDJANOV, R. (2019). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, 2019(3), 8.
15. Исломов З., Ҳайдаров И. (2017) Синтоийлик: ибодатхона, ибодат ва маросимлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент. – 79 б.
16. Исломов З., Ҳайдаров И. (2020) Христианлик: ибодатхона, ибодат ва маросимлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент. – 191 б.
17. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosfera.com/files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
18. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. The Light of Islam, 12.
19. Диншуносликни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2017. – 311 б.
20. Диншунослик. Дарслик. – Т.: Наврўз, 2019. – 260 б.
21. Дунё динлари тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: ТошДШИ, 2011. – 262 б.
22. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 337 б.

23. Зиёмухаммедов Б. Таълим технологиялари. Методик қўлланма. – Т., 2012. – 60 б.
24. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Таълимда инновацион технология сериysi. – Т.:ТДИУ, 2010. – 149 б.
25. Сайидахмедов Н.С. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. - Т.: Университет, 2005.
26. Педагогика назарияси ва тарихи (Педагогика тарихи). Ўқув қўлланма /М.Аҳмедова. - Тошкент: Тафаккур бўстони, 2011.
27. Педагогика тарихидан семинар машғулоти / Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Г.Нийёзов, М.Аҳмедова. – Тошкент: Ношир, 2011.
28. Петер Антес. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с.

REFERENCES:

1. ISAKDJANOV, R. (2019 yil 3). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, p. 8.
2. Alimova, Makhfuza (2019) «ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIYeS IN UZBEKISTAN,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 42. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/42>
3. Abdullayeva, M. (2021). Cyberjihad: expressions of terrorism on the internet. Vestnik KazNU, Seriya Religiovedeniye, 27(3), 60-65. <https://bulletin-religious.kaznu.kz/index.php/relig/article/download/402/294>
4. Abdullayeva, M. Z. (2019). ANALIZ SAMBYX POSEЩAYEMYX ISLAMSKIX SAYTOV UZBEKISTANA. Rossiya i musulmanskii mir, (4), 49-54.
5. Xudoyberganova, G. (2019/1). GLOBALLASHUV SHAROITIDA ISLOM MA'RIFATINI SHAKLLANTIRISH MASALASI. GLOBALLASHUV SHAROITIDA VATANPARVARLIK TARBIYASINING MA'NAVIY-MA'RIFIY TEXNOLOGIYALARI (pp. 69-72). Tashkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
6. Ra'no, T. U. (2017). RELIGIOUS AND SOCIAL THOUGHTS OF THE PEOPLE OF ANCIYeNT INDIA, CYeNTRAL ASIA AND IRAN. Himalayan and Cyentral Asian Studiyes, 21(1), 61.
7. Alimova, Mahfuza (2020) «THE CONTRIBUTION OF IMAM AD-DARIMI TO THE DEVELOPMENT OF HADITH SCIYeNCYe,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/15>
8. Ernazarov, O. K. (2014). HOZIRGI DAVRDA DIN VA JAMIYAT MUNOSABATLARIDA BARQARORLIKNI TA'MINLASHNING AHAMIYATI. In Sborniki konferensiy NIS Sosiosfera (No. 55, pp. 40-45). Vedecko vydavatel'ske cyentrum Sosiosfera-CZ sro.
9. Alidjanova, L. A. (2019). The valuye of the sciyeNTific approach in the study of religions and sciyeNcy. ISJ Theoretical & Applied SciyeNcy, 12 (80), 508-512. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96>
10. Turdiyeva, Dilafruz (2020) «FROM HISTORY OF MALAYSIYeN EDUCATION SYSTEM,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/20>
11. Nizomiddinov, N. G. Istoriya tyurkoyazychnoy literatury Indii vremen pravleniya Baburidov (XVI-XIII vv.).
12. Mukhamedov Nematullo & Turambetov Nurulloh (2021). The origins of religious tolerancye in Cyentral Asia. International journal of social sciyeNcy & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 10(12), 68-73. Retriyevd from <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/105>
13. Ernazarov, O. (2018). The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty. The Light of Islam, 201 8(1), 11.
14. ISAKDJANOV, R. (2019). RATIONAL PRINCIPLES IN IBN-SINA'S THEOLOGICAL EDUCATION AND THEIR CHARACTERISTIC FEATURES. The Light of Islam, 2019(3), 8.
15. Islomov Z., Haydarov I. (2017) Sintoilyk: ibodatxona, ibodat va marosimlar. O'quv qo'llanma. – Toshkent. – 79 b.
16. Islomov Z., Haydarov I. (2020) Xristianlik: ibodatxona, ibodat va marosimlar. O'quv qo'llanma. – Toshkent. – 191 b.
17. Muxamedov N.A. (2014) Idei tolerantnosti i gumanizma v deyatelnosti uchyonyx sufiyev oazisa Tashkent. The culture of tolerancye in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosfera.com/files/conferencye/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
18. Rahimjonov, D. (2019). The importancye of social rehabilitation of people who have fallen under the influyencye of extremist ideas in the procyeSS of globalization. The Light of Islam, 12.
19. Dinshunoslikni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. – T.: Toshkent islom universiteti, 2017. – 311 b.
20. Dinshunoslik. Darslik. – T.: Navro'z, 2019. – 260 b.
21. Dunyo dinlari tarixi. O'quv qo'llanma. – T.: ToshDSHI, 2011. – 262 b.
22. Tojiboyeva D. Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. –T.: Fan va texnologiya, 2007. – 337 b.
23. Ziyomuhamedov B. Ta'lim texnologiyalari. Metodik qo'llanma. – T., 2012. – 60 b.
24. Golish L.V., Fayzullayeva D.M. Pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va rejalashtirish: O'quv uslubiy qo'llanma/ Ta'limda innovasion texnologiya seriyasi. – T.:TDIU, 2010. – 149 b.
25. Sayidaxmedov N.S. Didaktik jarayon loyihasining interfaol metodlari. - T.: Universitet, 2005.
26. Pedagogika nazariyasi va tarixi (Pedagogika tarixi). O'quv qo'llanma /M.Ahmedova. - Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2011.
27. Pedagogika tarixidan seminar mashg'ulotlari / O'quv qo'llanma. Tuzuvchilar: G.Niyozov, M.Ahmedova. – Toshkent: Noshir, 2011.
28. Peter Antes. Religii sovremennosti. Istoriya i vera. – M.: Progress-Tradiiya, 2001. – 304 s.